# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
# ШАРТНОМА № 23

12. 01 2022 й.

Андижон шаҳри

Андижон вилоят ХКТ ва ООМХ давлат маркази қуйида "Истеъмолчи" деб номланувчи жамият номидан низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Д.Каримов шахслигида бир томондан, иккинчи томондан "Андижон нефт базаси"масъулияти чекланган жамиятининг қуйида "Етказиб берувчи номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор в.в.б Қ.Юсупов шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳ тузди.

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Етказиб берувчи", "Истеъмолчи"га нефт маҳсулотларини "Истеъмолчи"нинг талабномада кўрсатилган эхтиёжларига асосан тўз ва қуйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

| Нефт маҳсулотларининг тури | Йиллик миқдор (тонна) | 1 тонна нархи (сўмда) Биржа савдоларида аниқланган ўртача нархда | Тахминий умумий суммаси | Шу жумладан чораклар бўйича | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | I-чорак | | II –чорак | | III –чорак | | IV-чорак | |
| | | | | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма |
| Автобензин АИ-80 | 0,18 | 10931,816 | 1967726[88] | | | | | | | | |
| Автобензин АИ-91 | | | | | | | | | | | |
| Автобензин АИ-95 | | | | | | | | | | | |
| Дизель ёқилғиси | | | | | | | | | | | |
| Дизель ёқилғиси (ЭКО) | | | | | | | | | | | |
| Ўчоқ ёқилғиси | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| ЖАМИ: | | | | | | | | | | | |

1.2. "Истеъмолчи" маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддат ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан =1967726[88]= ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб бери «Истеъмолчи» нефть махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйиладиган барча ё ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни хамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўқлиги зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган холатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2."Истеъмолчи"да нефт маҳсулотларини саклаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранс воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бу ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Маҳсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Етказиб берувчи" омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана "Етк берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Истеъмолчи"нинг махсус автотранспорт воситасида н маҳсулотларини ташиш "Хавфли юкларни ташиш қоидалари"га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси "Етказиб берувчи" н омборига киритилмайди.

2.3.Нефт маҳсулотлари "Истеъмолчи"га "Етказиб берувчи"нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қа қилиш "Истеъмолчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Истеъмолчи"нинг омборида "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан маҳсуло қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт наклиётига имзо қўйилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажари сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита "Истеъмолчи" вакилининг хохишига кўра "Етказиб берувчи"нинг нефт омбор амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари "Етказиб берувчи"га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун "Истеъмолчи"н ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатн "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юрит "Истеъмолчи" вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида "Истеъмолчи"нинг вакилин маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган с ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл траспортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига ю ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган с ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни кабул қилиш амалдаги "Нефт, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, саклаш, ташиш ҳисобини юритиш бўйича қўлланма"га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбарияти бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб берма тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик "Истеъмолчи" зиммаси маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи"нинг автотранспортида олиб кетиш холатлари бундан мустасно) нефт база с унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш "Истеъмолчи"н талабига биноан амалга оширилади.